Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 20-iyun, shanba, № 75 (3580)

■ Янгиликлар
■ Воқеалар
■ Хабарлар

ХОРАЗМ

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Германиянинг "Friedensdorf International" халқаро ташкилоти ўртасида имзоланган ҳамкорлик битимига мувофиқ қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Тиббий кўрик давом этмоқда

Ўтган йили германиялик мутахассислар томонидан 500 га яқин бемор болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, 40 нафарининг ҳужжати Германия клиникаларида даволаш учун танлаб олинган эди. Жорий йилнинг феврал ойида 13 нафар бола мазкур давлатда даволаниш курсларини ўтади.

Ушбу ҳамкорликнинг давоми сифатида шу йил 18-25 июн кунлари "Friedensdorf International" мутахассислари навбатдаги тиббий кўрикни амалга оширмоқда. Қулайлик яратиш мақсадида кўриклар Тошкент, Бухоро, Қарши, Самарқанд ва Жиззах шаҳарларидаги вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказларида ўтказилиб, яқин ҳудуд болалари жалб қилинмоқда.

Ўз мухбиримиз

ФАРҒОНА

Фарғона шаҳрининг Аҳмад Фарғоний номидаги истироҳат боғида "Оталар чойхонаси" қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Оталар чойхонаси

Нуроний отахонлар вақтини унумли ўтказиши учун турли учрашув ва суҳбатлар, китоб, газета мутолаалари ташкил этилиши мўлжалланган.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси

БУХОРО

Когон туманидаги Сараён қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Тўлқин Суюнов мамлакатимизда тадбиркорларга берилаётган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда ўтган йили хайрли ишга қўл урди. "Когон лаззатли нон" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиб, шинам бинода салкам 37 миллион сўмлик замонавий линияни ўрнатди.

Имтиёздан фойдаланиб

Айни пайтда бу ерда 7 та иш ўрни яратилиб, ўн турга яқин нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Яқинда Президент соврини учун ўтказилган "Ташаббус — 2015" республика кўрик-танловининг вилоят босқичида қатнашган тадбиркор "Менинг юртим — менинг фахрим" номинацияси ғолиби бўлди.

— Бизнес режамга мувофиқ экспортга трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчиман, — дейди Т.Суюнов. — Бунинг учун банкдан 300 млн. сўм миқдорида кредит олишни режалаштирганман. Натижада, қишлоқдошларимдан яна 18 нафарини доимий иш билан таъминлашга эришамиз.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
"Ishonch" мухбири

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган суратлар

Сурхондарё вилоятида иккита хусусий корхонада эркаклар ва болалар пойабзалининг юздан ортиқ тури ишлаб чиқарилмоқда.

МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁДАН ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда саноатни ривожлантириш, аҳолини сифатли, арзон тайёр маҳсулотлар билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар рақобатбардош чарм-пойабзал буюмлари ишлаб чиқаришда ҳам юксак самаралар бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2000 йил 23 февралдаги "Республика иқтисодиётининг чарм-пойабзал тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш, соҳага замонавий технологияларни жалб этиш орқали импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Сурхондарё вилоятида маҳаллий чарм хомашёсидан пойабзал ишлаб чиқариш ўзлаштирилганига кўп бўлгани йўқ. Четдан келтириладиган шу турдаги буюмлар билан бемалол рақобатлаша оладиган пойабзаллар қисқа вақтда маҳаллий бозорда ўз ўрнини топди. Бежирим, арзон ва чидамлилиги билан харидорлар ишончига сазовор бўлди.

Бундан уч йил аввал деновлик ёш тадбиркор Ҳусинбек Муродов харидорлар дидига мос арзон ва сифатли оёқ кийимлар ишлаб чиқариш мақсадида "Денов равнақ камоли" хусусий корхонасини ташкил этди. Хориждан замонавий дастгоҳлар келтириб, маҳаллий чармдан беш турдаги эркаклар пойабзали ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

— Буларнинг барчаси мамлакатимизда хусусий бизнес ва тадбиркорлини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ва яратилаётган шароит самарасидир, — дейди "Денов равнақ камоли" хусусий корхонаси директори Ҳусинбек Муродов. — Фаолиятимизнинг дастлабки давриданоқ бозор маркетингини ташкил этиб, буюртмачилар фикрини, харидорлар диди ва истагини ўрганишни йўлга қўйдик. Шу асосда маҳсулот сифати ва моделига алоҳида эътибор бердик. Ҳар бир мавсумга алоҳида пойабзал ишлаб чиқаришни кўпайтирдик. Маҳсулотнинг харидорга манзур бўлаётгани бизни янада кўпроқ изланишга, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга ундамоқда.

Жамоа қисқа вақтда салмоқли ютуқларга эришди. Жумладан, дастлаб атиги беш ишчи билан фаолият бошлаган хусусий корхонада бугун йигирмага яқин киши самарали меҳнат қилмоқда. Уларнинг саккиз нафари касб-ҳунар коллежини битирган ёшлардир. 2012 йил корхона беш турдаги пойабзал ишлаб чиқарган бўлса, ҳозирда уларнинг тури юзга етди. Хусусий корхона 2014 йилни 139 миллион сўмдан зиёд соф фойда билан якунлади.

Мамлакатимизда хусусий бизнес ривожи йўлида яратилаётган имконият ва имтиёзлардан самарали фойдаланаётган тадбиркорнинг истиқбол режасига мувофиқ, жорий йилда йигирмадан ортиқ қўшимча иш ўрни яратилиб, эркаклар пойабзали ишлаб чиқариш ҳажми янада оширилади. Буюртмачиларга бир миллиард сўмликка яқин арзон, сифатли маҳсулот етказиб берилади. Хориждан юз минг доллар қийматидаги пойабзал таглиги, яъни подош ишлаб чиқарадиган замонавий технология келтирилиб, маҳсулотнинг бир қисмини экспорт қилиш режалаштирилган.

Президентимиз соврини учун ўтказилаётган "Ташаббус" кўрик-танлови ҳам хусусий секторда саноат тармоқларининг тез суръатлар билан юксалиб боришида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу танлов ҳар йили кўплаб янги тадбиркорлик субъектларини кашф этиш баробарида уларнинг изланиш ва меҳнатларини муносиб рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Тадбиркорларнинг ўзаро тажриба алмашиши учун қулай имконият яратаётир. Ишчиларда ўз касбидан ғурурланиш туйғусини мустаҳкамламоқда.

— "Ташаббус — 2015" кўрик-танловида корхонамиз бу йил илк бор иштирок этди, — дейди "Денов равнақ камоли" хусусий корхонаси ишчиси Фазлиддин Тиллаев. — Танловнинг туман ва вилоят босқичида маҳсулотимизга юқори баҳо берилиб, мамлакат босқичида махсус диплом билан тақдирланганидан фахрланамиз. Бу эътибор бизни ишлаб чиқариш сифати ва самарадорлигини ошириш, Президентимиз совринига сазовор бўлиш учун янада кўпроқ меҳнат қилишга ундамоқда.

Хусусий секторга берилаётган кўплаб имтиёз ва преференциялар кичик бизнесни ривожлантириш, бозорларимизни юртимизда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар билан тўлдириш, пировардида аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бунинг самарасида олис ва чекка ҳудудларда ҳам хусусий бизнес иқтисодиётимизнинг етакчи тармоғига айланмоқда. Бу "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун" деган эзгу ғоянинг амалдаги ифодасидир. Термиз шаҳридаги "Камозул сайдил" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган эркаклар ва болалар пойабзалига талаб ортиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин далили бўла олади.

— Бир пайтлар бундай чарм пойабзаллар фақат хориждан келтирилар, у ҳам яширинча сотиларди, — дейди термизлик Ҳамид Маматалиев. — Нархининг қимматлигидан унча-мунча одам уни харид қилишга қийналарди. Ҳозир эса, марҳамат, ўз қишлоғимиз ёки шаҳримизда, юртимизда ишлаб чиқарилаётган оёқ кийимларни истаганча олишингиз мумкин. Нархи арзон, сифати юқори. Танлаб-танлаб оласиз.

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, 2015-2017 йилларда Сурхондарё вилоятида яна бешта замонавий чарм-пойабзал ва терини қайта ишлаш корхонаси барпо этилиши режалаштирилган.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири

2015 ЙИЛ – КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислоҳотлар миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш, келгуси авлодларга етказиш, навқирон авлодни уларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётгани таъкидланди.

НУРОНИЙЛАР УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Наманган шаҳрида "Олтин мерос" гурунг маркази иш бошлади.

— Жорий йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб номлангани ва Давлат дастури қабул қилиниб, унда кексаларнинг ҳаёт фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар белгиланганги миллий қадриятларимизга бўлган чуқур эҳтиром ифодасидир, — дейди меҳнат фахрийси Саидолим Шаропов. — Юртбошимиз томонидан биз, кексаларга алоҳида эҳтиром кўрсатилиб, мана шундай гўзал масканлар барпо этилаётганидан жуда хурсандмиз. Бу эътибор кўнглимизни тоғдек кўтариб, умримизга умр қўшмоқда.

"Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси Наманган вилояти бўлими томонидан ҳомийлар кўмагида барпо этилган ва шаҳарнинг энг баланд географик нуқтасида жойлашган маскан бетакрор ландшафти, мевали ва манзарали дарахтлари кўплиги, доимо майин шабада эсиб туриши билан нуронийларга ғоят манзур бўлмоқда.

Қарийб бир гектар майдонни эгаллаган, миллий меъморлик усулида қурилган бино ва иншоотлар, шийпонлар, фаввора атрофига қўйилган сўриларда кекса отахон ва онахонларнинг бир пиёла чой устида ҳордиқ чиқариши учун барча қулайлик яратилган. Хоналар телевизор, совутгич ва бошқа зарур буюмлар билан жиҳозланган. Шахмат-шашка, домино ихлосмандлари ҳамда газета ва журнал ўқиб, вақтини мазмунли ўтказишни хоҳлаган нуронийлар учун алоҳида хоналар ташкил этилган. Спорт ва соғлом турмуш тарзига ошно кексалар учун стол теннислари қўйилган.

Марказнинг ишга туширилиши билан 14 та иш ўрни яратилди.

А.САТТОРОВ,
ЎзА мухбири

ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛ

ЭЪТИРОФГА МУНОСИБ ҲАРАКАТ

мамлакатимизни жаҳонга танитмоқда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" мавзусида ўтказилган тадқиқот натижасига кўра, Ўзбекистон 158 мамлакат орасида 44-ўринни, МДҲ давлатлари ўртасида биринчи ўринни эгаллаганлиги бежиз эмас, албатта.

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш даврида Ўзбекистон халқи, айниқса, хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш бўйича тарихий аҳамиятга молик ўзгаришлар амалга оширилди. Аёллар фаоллигини таъминлашнинг ҳуқуқий-норматив базаси шакллантирилди.

Юртимизда тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга кўмаклашувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари, бизнес тузилмалари, банклар ва молиявий институтларнинг ташкил этилиши бизнес соҳасини мустаҳкамлашга ва тадбиркор аёлларимиз ишлаб чиқараётган ранг-баранг маҳсулотларнинг бозорда ўз ўрнини топишига кенг имконият яратмоқда. Шу ўринда вилоят "Тадбиркор аёл" уюшмасидан олинган маълумотга эътибор берсак, иқтисодиётни ривожлантиришда тадбиркор аёллар ҳам салмоқли ўрин тутишига гувоҳ бўламиз. Бугунги кунда вилоятимизда тадбиркорлик соҳасида 14 мингдан зиёд аёллар фаолият кўрсатмоқда. Энг муҳими, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар нафақат республикамиз, балки хорижий мамлакатлар бозорларида ҳам харидоргирлиги билан ажралиб туради.

Мустақилликнинг илк давридан бошлаб халқимиз саломатлиги ҳақида доимий ғамхўрлик қилинмоқда. Оналар ва болалар ўлимини камайтириш, аҳолини юқумли, вирусли ва ўта хавфли инфекциялардан сақлаш, касалликларнинг олдини олиш, атроф-муҳит ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш борасида профилактик чоралар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Пойтахтимиз ва вилоятларда, шу жумладан, Бухоро шаҳрида ҳам замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, янги туғруқ мажмуалари барпо этилди.

(Давоми 3-саҳифада).

ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

НАМУНАЛИ ОРОМГОҲ

Шаҳрисабз туманида жойлашган Беруний номидаги оромгоҳда ёз мавсуми "Ўзгеобурғунефтгаз" акциядорлик компанияси тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар ходимларининг фарзандлари ҳордиқ чиқарса, қолган вақтда турли спорт тадбирлари, ўқув-семинарлар уюштириш анъанага айланган. Оромгоҳ 2014 йил якунларига кўра, Қашқадарё вилоятида "Энг яхши оромгоҳ" деб топилди.

Эътироф бежиз эмас. Оромгоҳда болажонларнинг мароқли дам олиши учун барча шароит муҳайё этилган. Мисол учун, ўтган йили ошхона реконструкция қилиниб, 700 нафар ўғил-қизнинг бир вақтда овқатланишига замин яратилди. Олтита 120 ўринга мўлжалланган коттеж қурилди. Йўлаклар ва нон цехи қайта таъмирланди. Хуллас, оромгоҳда ҳар йили ўзгаришларни кўрасиз.

— Жорий йилда 2400 нафар ўғил-қизни дам олдириш режалаштирилган, — деди биз билан суҳбатда оромгоҳ бошлиғи Лутфулла Каримов. — Нафақат қашқадарёлик ўғил-қизлар, Бухоро, Қорақалпоғистондан келган болажонлар ҳам сўлим масканда мириқиб ҳордиқ чиқаришади.

(Давоми 4-саҳифада).

2015-yil 20-iyun, shanba, № 75 (3580), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — касаба уюшмалари асоси

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ





ЎзА суратлари

"Бешариқтекстил" Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси 2008 йил қаровсиз қолган собиқ трикотаж фабрикаси ўрнида фаолият бошлади. Хорижий инвесторлар кўмагида олиб борилган модернизация жараёни ишлаб чиқариш сифати ва ҳажмини юксалтиришга хизмат қилди. Ҳозирда маҳсулотларимизнинг 90 фоизи хорижга экспорт қилинмоқда.

«БЕШАРИҚТЕКСТИЛ» ФАОЛИЯТИГА НАЗАР

ёхуд меҳнат шароитларига кўп нарса боғлиқ

Корхонамизда 850 нафардан ортиқ ходим меҳнат қилса, 650 нафари аёллар ҳисобланади. Уларнинг хавфсиз ишлаши учун муносиб шарт-шароит яратилган. Ҳар чоракда ходимлар "Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси йўриқномаси"дан ўтказилиб, махсус ўқув курсларида ўқитилади. Махсус кийим-бош, шахсий гигиена воситалари билан таъминланган. Янги ишга кираётган ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва тиббиёт хонасини зарур доридармонлар билан таъминлаш мақсадида 3 млн. 250 минг сўм сарфланди. Ишчиларга бепул тушлик ташкил этилган, ишга келиб-кетиши учун транспорт воситалари ажратилган.

Турли байрамлар муносабати билан 74 нафар ишчига моддий ёрдам кўрсатилди. Ходимларнинг фарзандларини дам олдириш, чет тилларини ўрганиши, ўқув қуроллари сотиб олишда кўмаклашилди.

Жамоамизда "Маънавият соатлари" мунтазам ўтказиб келинмоқда. Жумладан, "Юксак маънавият — енгилмас куч", "Одам савдоси — аср вабоси", "Диний экстремизмга қарши кураш", "Маънавий меросимизни ўрганиш ва ташвиқот қилишнинг долзарб вазифалари", "Оила — муқаддас даргоҳ" мавзуларида ўқув соатлари ташкил этилди.

Кейинги уч йил корхонамиз учун омадли келди. Кўрик-танловларда қатор ютуқларга эришилди. Жумладан, вакилимиз У. Бердиев Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан ўтказилган кўрик-танловнинг республика босқичида "Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакил" номинациясида биринчи ўринни эгаллади. Бу йил эса корхонамиз ушбу танловнинг вилоят босқичида "Энг яхши корхона" номинацияси ғолиби бўлди. Хотин-қизлар қўмитамиз "Энг намунали хотин-қизлар қўмитаси" танловининг республика босқичида ғолиб чиқди.

Шу билан бирга, илғор тикувчимиз Дилфузахон Аҳмедова давлатимизнинг юксак мукофоти "Дўстлик" ордени, тикувчилик цехининг бригада бошлиғи Барно Тоиржонова ҳамда Ойшахон Бозорова "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

Туманимиздаги касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш борасида уч томонлама шартномалар тузилиб, ўтган йил битирувчилардан 95 нафари ишга қабул қилинди.

Турли хайрия ва ҳомийлик тадбирлари ҳам ташкил этилади. Мисол учун, ўтган йили Қўқон шаҳридаги 12-"Меҳрибонлик" уйи, Рапқон бокс мактаби, Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармасига ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Корхонамиз касаба уюшма қўмитаси ва маъмурияти келгусида ҳам ижтимоий шериклик асосида ишчи-ходимлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда давом этади, уларнинг самарали меҳнат қилиши учун барча шароитни яратиб беради. Зеро, бу иш унуми ва сифатига ижобий таъсир этиши шубҳасиз.

Гулчеҳра ЯКУБОВА,
"Бешариқтекстил" қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси

ИЗЧИЛЛИК САМАРАСИ

Мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни малакали мутахассислар билан таъминлаш, ўқитиш сифати ва самарадорлигини оширишга кенг эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этаётир.

Институтимиз касаба уюшма ташкилоти 8 та қўмита ва 25 та гуруҳ ташкилотидан иборат тузилмага эга бўлиб, 834 нафар профессор-ўқитувчи ва ишчи-ходимни бирлаштирган.

Институтда ходимлар учун барча шароит яратилган. 2014-2016 йилларга тузилган жамоа шартномасида аъзоларимиз учун кўплаб имтиёзлар кўзда тутилган. Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳужжатга ёшлар ва аёллар учун қўшимча имтиёзлар ҳақида алоҳида бўлим, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенцияларига амал қилинишини таъминлашга қаратилган бандлар киритилди. Жамоа шартномасида кўзда тутилган қўшимча имтиёзлар ҳисобига институтдаги эҳтиёжманд оилалар вакилларининг 159 нафарига 21 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Ўтган йили барча профессор-ўқитувчи ҳамда ишчи-ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш институтнинг ўзида ташкил этилди.

Меҳнат муҳофазаси бандларининг бажарилиши бўйича ходимларни иш берувчи томонидан моддий рағбатлантириш, соғломлаштириш, махсус кийим-бош, пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, зарарли меҳнат шароитида ишловчиларга сут маҳсулотлари бериш ҳамда санитария-гигиеник масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Республика ва вилоят миқёсида ўтказиб келинаётган кўрик-танловлар, спорт мусобақаларида институт вакиллари фаол иштирок этиб келмоқда. "Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси" кўрик-танловида Жамолиддин Қамбаров, Бунёд Эгамбердиев, Умиджон Рустамов 1- ва 2-ўринларни эгаллади.

Институтимиз қошидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ҳам турли тадбирлар уюштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Жумладан, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ушбу таълим муассасалари ўқитувчи ва ўқувчилари ўртасида спорт мусобақалари ўтказилди.

Бошланғич ташкилот фаолиятини кучайтириш, аъзоларга янада кенг имтиёзлар яратиш борасида бундан кейин ҳам изчил иш олиб борамиз.

Бахтиёр ДАДАЖОНОВ,
Фарғона политехника институти ходимлар касаба уюшма қўмитаси раиси

ЎҚИТУВЧИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Мактабимизда ўқитувчиларга қулай меҳнат ва дам олиш шароити яратиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Жумладан, моддий ёрдам сўраб қилинган 20 та мурожаатдан 15 таси қондирилди. 7 нафар ходим турли сиҳатгоҳларда дам олди. Фахрий педагогларни сиҳатгоҳларда соғломлаштириш дастурига биноан 2 нафар ўқитувчи бепул йўлланма билан "Чимён" сиҳатгоҳида соғломлаштирилди. Дарс тақсимоти тўғрисидаги талаблар ҳам ўрганилиб, маъмурият билан келишган ҳолда қондирилмоқда. Яхши натижаларга эришган педагог ходимларимиз мунтазам устамалар билан рағбатлантирилаётир. Илғор ўқитувчиларга эса ойлик иш ҳақи миқдорида йилда бир марталик мукофот тўланмоқда.

Педагог ходимларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шароит яратилган. Ўқитувчилар дам олиш хонаси, ошхона, кутубхона доимо ишлаб турибди.

Жамоанинг "Садқак", "Боғи шамол", "Етти булоқ", "Чодак" каби дам олиш масканларига бир кунлик саёҳати уюштирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мактаб маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг асосий мақсади ходимларга қулай меҳнат шароити яратиб бериш орқали таълим самарадорлигини оширишдир.

Рашиджон ПЎЛАТОВ,
Бешариқ туманидаги 11-умумтаълим мактаби касаба уюшма қўмитаси раиси

АЪЗОЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Корхонамиз тумандаги йирик ишлаб чиқариш субъектларидан бири бўлиб, 550 нафардан зиёд ишчи-ходим меҳнат қилади.

Касаба уюшма қўмитаси ишчиларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, саломатлигини тиклашга ҳам алоҳида эътибор қаратган. Аъзоларимиз турли сиҳатгоҳларга йўлланма билан таъминланаётир. Ўтган йили "Рапқон" сиҳатгоҳига 12 нафар, "Қоравул ота" сиҳатгоҳига 12 нафар, "Арчазор — Чимён" дам олиш масканига 6 нафар ходимга йўлланма берилди. Шу билан бирга, "Касаба сайр" шўъба корхонаси билан келишилган ҳолда бир гуруҳ ишчиларни Тошкент — Бухоро — Самарқанд йўналишларида саёҳатга юбордик.

Жамоамизда футболга қизиқувчилар кўп. Шу боис цехлараро футбол мусобақалари ўтказиш аньанага айланган. Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси, махсус кийим-бош, иссиқ овқат, сут ва сут маҳсулотлари учун ўтган йили 43 млн. сўм сарфланди.

Кексаларни эъзозлаш йилида жамоа шартномасига ўзгартишлар киритиб, байрамларда фахрийларимиз ҳолидан хабар олиш, уларнинг саломатлигини тиклашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Хуллас, корхона касаба уюшма қўмитаси ходимлар манфаати йўлида изчил фаолият кўрсатишда давом этаётир.

Абдусалом МАМАТҚУЛОВ,
Ўзбекистон туманидаги пахтани қайта ишлаш корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси

ЭНГ ЯХШИ КОРХОНА

"Ўзтрансгаз" акционерлик компаниясига қарашли "Шимолий Сўх газни ер остида сақлаш иншооти" корхонаси саъй-ҳаракатлар эвазига меҳнат муҳофазаси бўйича жуда яхши кўрсаткичга эришди ва ўтказилаётган республика кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолиб деб топилди.

— Мавжуд қоидаларга қатъий амал қилибгина кўзда тутилган натижаларни қўлга киритиш мумкин, — дейди меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси муҳандиси А.Мирзаҳмедов. — Чунки газни омборда сақлаш ишчилардан катта малака талаб этади. Айнан шунинг учун ҳам меҳнат муҳофазаси бўйича ўтган йилда 8 та тадбир ўтказилди. Ходимларимиз махсус кийим-бош ва бошқа меҳнат воситалари билан тўлиқ таъминланди.

Корхонада маиший-санитар хоналар мавжуд бўлиб, 26 та ёнғин шитларида ёнғин ўчириш воситалари шай ҳолга келтирилган. Махсус дастур асосида иш ўринларида хавфсиз меҳнат қилиш бўйича турли ўқув ва амалий машғулотлар ўтказилиб борилади.

Меҳнат жамоасида белгиланган тартиб асосида ёнғин хавфсизлиги ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги ўтказиб келинмоқда. Меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузганлар учун қатъий чоралар кўрилаётгани эса катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлмоқда. Чунки арзимасдек туюлган қоидабузарлик катта, ўнглаб бўлмас зарар келтириши мумкин.

Ходимлар саломатлиги назоратга олинган. Ҳар куни ишчилар тиббий кўрикдан ўтказилади. Газ сақлаш иншоотлари ва хоналар тўлиқ таъмирланган бўлиб, маиший хоналар санитар ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ жавоб беради.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўтган давр мобайнида хавфсизлик техникаси ва меҳнат муҳофазаси бўйича ҳеч қандай бахтсиз ҳодисалар содир бўлмади.

А.МАМАЖОНОВ

САФИМИЗ КЕНГАЙМОҚДА

Касаба уюшма ташкилотимиз фаолиятини ижтимоий шериклик асосида йўлга қўйган. 2014-2016 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси асосида ходимлар манфаатини ҳимоялашга эътибор қаратяпмиз.

Аъзолик афзалликлари кенг тарғиб қилингани ҳамда ишчи-ходимларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида самарали иш олиб борилгани ишловчиларнинг касаба уюшмасига кенг жалб этишда асосий омил бўлди. Ҳозирда сафимизга 6184 нафар аъзо бириккан. Тиббиёт ходимларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида касаба уюшма томонидан ўтган йили 198 нафар ходимга моддий ёрдам берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ тиббиёт муассасаларида ходимларга дам олиш ва байрам кунларида меҳнат қилгани учун 2 баравар, тунги соат 22:00 дан эрталаб 6:00 гача ишлагани учун 1,5 баравар миқдорида иш ҳақи тўланмоқда. Ички меҳнат тартиби қоидалари ҳар бир шифохона ва қишлоқ врачлик пунктида иш тартиби бўйича амалга оширилябти.

Таътил муддати 2-гуруҳ ногиронлари учун 30 календар кун этиб белгиланган. 12 ёшга тўлмаган 2 ва ундан ортиқ боласи бор ёки 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга Меҳнат Кодексининг 232-моддасига биноан 3 иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган қўшимча таътил, 16 ёшгача ногирон боласи бор ота-онанинг бирига эса ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан ҳар ойда бир кун қўшимча дам олиш куни берилиши жамоа шартномасида ўз аксини топган.

Ходимларни турли сиҳатгоҳларда дам олдириш, саломатлигини тиклаш доимий эътиборда. Ходимлар ҳар икки йилда йўлланма олиш ҳуқуқига эга бўлди. Айни пайтда уларнинг фарзандларини ёзги соғломлаштиришга ҳам қизғин киришилган

Албатта, касаба уюшмасига аъзолик афзалликларининг кенг тарғиб этилиши ва самарали фаолият ўз натижасини беради.

Матлубахон ТЕШАБОЕВА,
Қува туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси

2015-yil 20-iyun, shanba, № 75 (3580), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЭЪТИРОФГА МУНОСИБ ҲАРАКАТ

мамлакатимизни жаҳонга танитмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Аҳоли саломатлиги, хусусан, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш борасида мамлакатимизда эришилган ютуқлар 2011 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она — соғлом бола" мавзусидаги халқаро симпозиумда қатор халқаро ташкилотлар, жумладан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ томонидан юксак баҳоланди. Мамлакатимиз аҳолига хизмат кўрсатаётган тиббиёт ходимлари сони, тиббий хизматдан фойдаланиш, шунингдек, болаларни мунтазам равишда эмлаш йўлга қўйилгани, аёлларга туғиш вақтида сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятлари каби қатор муҳим кўрсаткичлар бўйича рейтингда Германия, Франция, Буюк Британия, АҚШ сингари дунёнинг кўплаб ривожланган давлатларини ҳам ортда қолдирди.

Аҳолининг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73,5 ёшга ошганлигининг ўзиёқ давлатимизнинг соғлиқни сақлашга оид сиёсати самарадорлигини белгиловчи муҳим омиллардан биридир.

ЎзА суратлари

Бухоро давлат тиббиёт институти ҳам ЮНЕСКО ҳамкорлари рўйхатида бор. Институтимизда 2000 йили "ЮНЕСКО, Шарқ табобати" кафедраси ташкил этилди. Тиббиёт илмининг султони Абу Али ибн Сино юртида фаолият кўрсатаётган илм даргоҳида аллома илмий меросини батафсил ўрганиш, шарқ табобатининг ноёб усулларини қайта тиклаш имкони яратилди.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурига мувофиқ, вилоятимизда 3 минг 328 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийлари тиббий кўрикдан ўтказилиб, амбулатория ва стационар шароитда даволанмоқда. Шу билан бирга, 500 нафар эҳтиёжманд фуқаро, айниқса, ижтимоий ёрдамга муҳтож кексаларнинг уй-жойини таъмирлаб бериш, "Кексалар дуосини олайлик" акцияси доирасида уларни зарур мебел ва уй жиҳозлари, кийимкечак, бадиий адабиёт, стол ўйинлари тўпламлари билан таъминлаш назарда тутилган. Бу каби тадбирлар ёши улуғ инсонларнинг ҳаётини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш қўламини кенгайтиришга қаратилган.

Бу эса бахтли мамлакатнинг ўз фуқароларига эътибори ва ғамхўрлигининг амалий ифодасидир.

Абира ҲУСЕЙНОВА,
фалсафа фанлари доктори, институт касаба уюшма қўмитаси раиси

ҲИСОБОТ-САЙЛОВ

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ УСТУВОР

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий ташкилотлари раислар кенгашининг конференцияси бўлиб ўтди. Унда тармоқ Республика кенгашининг ҳудуддаги масъул ташкилотчиси Қалжан Бекмановнинг 2013 йил феврал ойидан 2015 йилнинг майигача бўлган даврдаги фаолият тўғрисидаги маърузаси тингланди.

— Тармоқ касаба уюшма ташкилоти Бош келишув, тармоқ ва ҳудудий келишувлар, жамоа шартномалари орқали ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлашга алоҳида аҳамият бераётир, — деди Қ.Бекманова. — Нодавлат сектор корхоналарини касаба уюшма хизматига жалб этиш борасида талай ишлар амалга оширилаяпти. Жумладан, ҳисобот даврида нодавлат секторга тегишли 576 корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган 5249 нафар ходим аъзоликка қабул қилиниб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимояси таъминланди.

Жамоа шартномалари асосида 2013-2014 йилларда 235 нафар эҳтиёжманд оила аъзоларига моддий ёрдам кўрсатилган бўлса, уй-жой қурилиши учун 5 та ёш оилага корхоналар ҳисобидан фоизсиз ссудалар ажратилди. Олий ўқув юртида таҳсил олаётган 4 нафар талабага шартнома тўловининг бир қисми қоплаб берилди. Тармоқ корхоналарида меҳнат қилиб нафақага чиққан кексалар ва ҳомийлик ёрдамига муҳтож ногиронлардан 53 нафарига озиқ-овқат, кийим-бош олиб берилди, турар жойи таъмирдан чиқарилиб, коммунал харажатларини қоплашда кўмаклашилди.

Корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси ва муносиб меҳнат шароитини ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида амалий ишлар бажарилиб, ўқув-семинар ва "Маънавият соатлари" мунтазам ўтказиб борилмоқда.

Конференцияда сўзга чиққанлар шаҳар ва туман кенгашлари фаолиятини жонлантириш, нодавлат сектор корхоналарини касаба уюшмасига жалб этиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш, жамоа шартномалари бажарилишини назоратга олиш ва меҳнат муҳофазаси масалаларига атрофлича тўхталиб ўтишди.

Шунингдек, тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши Қурултойига делегатлар сайланди.

Ортиқбой МАМУТОВ,
"Ishonch" мухбири

САЛОҲИЯТГА ТАЯНИБ

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилоят ташкилотлари конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда тармоқ касаба уюшмаси раислар кенгаши раиси Баҳрулло Қодиров 2013 йил февралидан шу кунга қадар амалга оширилган фаолият ҳамда галдаги вазифалар тўғрисида маъруза қилди.

Таъкидланганидек, жамоа шартномаларида пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, корхона ҳисобидан ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олдириш, соғломлаштириш, эҳтиёжманд оила фарзандлари учун ўқув қуроллари харид қилиш каби кўплаб ижтимоий тадбирлар ўрин олган.

Ўтган даврда тармоқ ходимларидан 1205 нафари турли сиҳатгоҳларда соғлигини тиклади.

"Энг фаол ёш мутахассис" кўрик-танловининг республика босқичида Жиззах туман ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси М.Сатторова, Пахтакор туманидаги 10-МТМ тарбиячиси А.Амирова, Жиззах политехника институти кафедра ассистенти С.Жиянбоев, Зомин туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси М.Розиқова турли номинациялар бўйича фахрли ўринларни эгаллашди. "Энг намунали бошланғич ташкилот" республика танловида Жиззах политехника институти касаба уюшма қўмитаси рағбатлантирувчи мукофот соҳиби бўлди.

Музокарада сўзга чиққанлар ўз таклиф, мулоҳазаларини билдиришди.

Конференцияда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Абдуманнап АЗИМОВ,
"Ishonch" мухбири

ТАНЛОВ

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси томонидан "Энг фаол ёш мутахассис" кўрик-танловининг "Энг фаол ёш тадбиркор" йўналиши бўйича биринчи босқичи юқори савияда ўтказилди.

ФАОЛ ЁШ ТАДБИРКОР

Жумладан, Нукус шаҳридан "Оралбай Нукус" оилавий корхонаси раҳбари П.Сержанов, Қарши шаҳридан "Грант мебел дизайн" МЧЖ раҳбари Р.Комилов ва Сирдарё туманидан "Сирдарё Принт" МЧЖ раҳбари Б.Якубовлар туман (шаҳар) миқёсида ўтказилган танловда биринчи ўринни эгаллаб, вилоят босқичига йўлланма олишди. Уларга ташкилотчилар томонидан қиммат баҳо совғалар топширилди.

Таъкидлаш керакки, ҳозирда ушбу тадбиркорлар томонидан янги иш ўринлари яратишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Масалан, "Сирдарё Принт" МЧЖ раҳбари Б.Якубов жорий йилда фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида пайпоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйди ҳамда коллеж битирувчиларидан 60 нафарини иш билан таъминлади.

Р.МИРХЎЖАЕВ,
тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси

ХОДИМЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Самарқанд вилоят ташкилотлари бирлашган касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси С.Иззатуллаев ўз ҳисобот-маърузасида ўтган икки йил давомида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларни соғломлаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилганини таъкидлади.

Қайд этилдики, қисқа муддат ичида бирлашган касаба уюшма қўмитаси тизимидаги бошланғич ташкилотлар 153 тага, аъзолар сони 7200 нафарга ошиб, уларнинг манфаати жамоа шартномалари орқали ҳимояга олинди.

Ҳисобот даврида иш берувчилар томонидан меҳнат муҳофазасига ажратилаётган маблағлар миқдори ортиб бораётгани эътироф этилди.

Шу билан бир қаторда, соҳадаги мавжуд айрим камчиликлар ҳам таъкидланиб, келгусида уларни бартараф этиш борасида вазифалар белгилаб олинди.

Конференцияда вилоят бирлашган касаба уюшма қўмитаси раислигига Сирожиддин Иззатуллаев қайта сайланди.

Ўз мухбиримиз

Реклама ва эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси.

«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2015 йил 7 июл куни соат 12:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 42-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Тошкент шаҳар хўжалик судининг 07.01.2014 йилдаги 10-1316/11301-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган Тошкент шаҳар «KASPI» масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг 16.06.2015 йилдаги йиғилиш баёнига ва тугатиш бошқарувчисининг 18.06.2015 йилдаги 201-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидаги қуйидаги мулклари арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда. **1-ЛОТ** 1990 йилда и/ч, д/р 10 AR 903 бўлган Москвич ИЖ 2715 русумли а/в. Бошланғич баҳоси 2 169 900 сўм. **2-ЛОТ** 1985 йилда и/ч, д/р 10 AR 904 бўлган ГАЗ 5204 русумли а/в. Бошланғич баҳоси 3 326 400 сўм. **3-ЛОТ** 1991 йилда и/ч, д/р 11-49 ЕГ бўлган Т-28х4 русумли қишлоқ хўжалик техникаси. Бошланғич баҳоси 2 700 000 сўм. **4-ЛОТ** Кўчмас мулк тоифасига кирмайдиган жами 9 739 донадан иборат товар ва моддий бойликлари мужассам ҳолда. Бошланғич баҳоси 356 893 337 сўм.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2015 йил 15 июл куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2015 йил 7 июл кунидаги савдо учун 6 июл кунига қадар, 15 июлдаги савдо учун 14 июл кунига қадар соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ, х/р: 20208000005028108001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 302523082, ОКОНХ: 96410.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:
Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 42-уй.
Тел.: 0 (371) 233-21-18, E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263.

Хизматлар лицензияланган.

«SURXON GRAND BROKER» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси қадам-бақадам ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

2015 йил 20 июл куни соат 11:00 да Термиз шаҳри Ф.Хўжаев кўчаси Тадбиркорлар Маркази биносида очиқ аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳоси қадам-бақадам ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

1. ДТ «Халқбанки» Сурхондарё вилоят филиали балансига тегишли бўлган 2011 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 75\180 AAA «ГБАСНГЛАСЕТТИ» русумли техник носоз ҳолатдаги автотранспортнинг бошланғич баҳоси - 20 500 000 сўм.

Юқоридаги мулк 2015 йил «20» июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2015 йил 4-7-10 август кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосига қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда белгиланган ишончнома тақдим қилиши лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар закалат пули тўғрисида келишувни имзолаб, закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини «SURXON GRAND BROKER» масъулияти чекланган жамиятининг ХАББ «Траст банк» Термиз филиали МФО-01063, ИНН 302072717, 20208000704929091001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада топширишлари керак: жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Қўшимча маълумотлар олиш манзили: Термиз шаҳри, Файзулла Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси 2-қават, 1-хона.

Хизматлар лицензияланган.

Тўғридан-тўғри музокоралар ўтказиш йўли билан ташкил этиладиган савдолар хабарномаси.

1. Сотувчи:	Бухоро вилояти «Техник хизмат кўрсатиш маркази» масъулияти чекланган жамияти.		
1.1. Савдо объекти:	Техник хизмат кўрсатиш биносининг бир қисми.		
Манзили:	Бухоро шаҳар, С.Муродов кўчаси, 14-уй.		
Бошланғич баҳоси:	120 200 000 (Бир юз йигирма миллион икки юз минг) сўм.		
Тавсифи:	Умумий майдони (кв.метр)	Қурилиш майдони (кв.метр)	Фойдали майдони (кв.метр)
	576,0	432,0	-
2.Савдо ўтказиладиган санаси, вақти:	2015 йил 26 июн кунидан 2015 йил 26 июл кунига қадар ҳафтанинг ҳар куни (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 09:00 дан 17:00 га қадар.		
3. Савдо шартлари.	I. Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкил этиладиган савдоларда объектни сотиб олиш бўйича тегишли ҳаракатларни амалга оширган шахс билан савдо баённомасига асосан олди-сотди шартномаси тузилади. II. Объект учун тўловларни тўлаш муддати ва шакли олди-сотди шартномасида белгиланади.		
4.Савдо ташкилотчиси:	**«REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ Buxoro filiali.** Манзил: 200100, Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. 4-қават. Лицензия RR 0170, e-mail: rc.group@inbox.ru, тел.: (0-365) 221-59-24.		

Хизматлар лицензияланган.

«REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамиятида ташкил қилинган аукцион савдолари натижаси.

№	Объект номи	Манзили	Бошланғич баҳоси (сўм)	Сотилиш баҳоси (сўм)
2015 йил 2 июн куни ўтказилган аукцион савдоси.				
1	умумий ер майдони 2 840,0 кв.метр, қурилиш майдони 1 892,72 кв.метрдан иборат бўлган (ишлаб чиқариш цехи биноси БЛОК В, омборхона БЛОК Е, бино БЛОК К, навес БЛОК К1, навес БЛОК К2, ҳожатхона, навес) бино ва иншоотлари биргаликда мужассам ҳолда.	Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, Жанубий-Ғарбий саноат ҳудуди, Проектная Г-44 кўчаси, 8-уй.	726 817 500	750 000 000

Хизматлар лицензияланган.

«Universal Auktsion Invest» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2015 йил 21 июл куни соат 14:30 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани 5-сонли Давлат нотариал идорасининг 2015 йил 4 июндаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билак узук, зирак ва бошқалар) «Kristal Kredit» МЧЖ томонидан аукцион савдоларига қўйилмоқда:

1. 2И-129-сонли ижро хатига асосан (2 дона буюм) бошланғич баҳоси 381640 сўм; 2. 2И-130-сонли ижро хатига асосан (7 дона буюм) бошланғич баҳоси 2607276 сўм; 3. 2И-131-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 374469 сўм; 4. 2И-132-сонли ижро хатига асосан (3 дона буюм) бошланғич баҳоси 1267612 сўм; 5. 2И-133-сонли ижро хатига асосан (3 дона буюм) бошланғич баҳоси 7377607 сўм; 6. 2И-134-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 601315 сўм; 7. 2И-135-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 211455 сўм; 8. 2И-136-сонли ижро хатига асосан (4 дона буюм) бошланғич баҳоси 1423556 сўм; 9. 2И-137-сонли ижро хатига асосан (3 дона буюм) бошланғич баҳоси 303668 сўм; 10. 2И-138-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 1607881 сўм; 11. 2И-139-сонли ижро хатига асосан (2 дона буюм) бошланғич баҳоси 402850 сўм; 12. 2И-140-сонли ижро хатига асосан (4 дона буюм) бошланғич баҳоси 1161259 сўм; 13. 2И-141-сонли ижро хатига асосан (2 дона буюм) бошланғич баҳоси 402850 сўм; 14. 2И-142-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 870681 сўм; 15. 2И-143-сонли ижро хатига асосан (2 дона буюм) бошланғич баҳоси 1225091 сўм; 16. 2И-144-сонли ижро хатига асосан (6 дона буюм) бошланғич баҳоси 3025517 сўм; 17. 2И-145-сонли ижро хатига асосан (4 дона буюм) бошланғич баҳоси 1125808 сўм; 18. 2И-146-сонли ижро хатига асосан (2 дона буюм) бошланғич баҳоси 650906 сўм; 19. 2И-147-сонли ижро хатига асосан (2 дона буюм) бошланғич баҳоси 1295993 сўм; 20. 2И-148-сонли ижро хатига асосан (2 дона буюм) бошланғич баҳоси 402850 сўм; 21. 2И-149-сонли ижро хатига асосан (2 дона буюм) бошланғич баҳоси 856542 сўм; 22. 2И-150-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 785640 сўм; 23. 2И-151-сонли ижро хатига асосан (8 дона буюм) бошланғич баҳоси 4627377 сўм; 24. 2И-152-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 700598 сўм; 25. 2И-153-сонли ижро хатига асосан (2 дона буюм) бошланғич баҳоси 452441 сўм; 26. 2И-154-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 1905528 сўм; 27. 2И-155-сонли ижро хатига асосан (2 дона буюм) бошланғич баҳоси 473752 сўм; 28. 2И-156-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 296497 сўм; 29. 2И-157-сонли ижро хатига асосан (3 дона буюм) бошланғич баҳоси 814021 сўм; 30. 2И-158-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 686357 сўм; 31. 2И-159-сонли ижро хатига асосан (6 дона буюм) бошланғич баҳоси 1366895 сўм; 32. 2И-160-сонли ижро хатига асосан (3 дона буюм) бошланғич баҳоси 700598 сўм; 33. 2И-161-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 275287 сўм; 34. 2И-162-сонли ижро хатига асосан (2 дона буюм) бошланғич баҳоси 402850 сўм; 35. 2И-163-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 1487388 сўм; 36. 2И-164-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 246906 сўм; 37. 2И-165-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 246906 сўм; 38. 2И-166-сонли ижро хатига асосан (3 дона буюм) бошланғич баҳоси 315455 сўм; 39. 2И-167-сонли ижро хатига асосан (2 дона буюм) бошланғич баҳоси 360329 сўм; 40. 2И-169-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 253976 сўм; 41. 2И-170-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 346189 сўм; 42. 2И-171-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 317808 сўм; 43. 2И-172-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 190245 сўм; 44. 2И-173-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 239836 сўм; 45. 2И-174-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 1409416 сўм; 46. 2И-175-сонли ижро хатига асосан (3 дона буюм) бошланғич баҳоси 1423556 сўм; 47. 2И-176-сонли ижро хатига асосан (2 дона буюм) бошланғич баҳоси 572934 сўм; 48. 2И-177-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 806850 сўм; 49. 2И-178-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 218525 сўм; 50. 2И-179-сонли ижро хатига асосан (2 дона буюм) бошланғич баҳоси 1494458 сўм; 51. 2И-180-сонли ижро хатига асосан (4 дона буюм) бошланғич баҳоси 1707063 сўм; 52. 2И-181-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 288114 сўм; 53. 2И-182-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 246906 сўм; 54. 2И-183-сонли ижро хатига асосан (4 дона буюм) бошланғич баҳоси 1012486 сўм; 55. 2И-184-сонли ижро хатига асосан (2 дона буюм) бошланғич баҳоси 658077 сўм; 56. 2И-185-сонли ижро хатига асосан (3 дона буюм) бошланғич баҳоси 473752 сўм; 57. 2И-186-сонли ижро хатига асосан (3 дона буюм) бошланғич баҳоси 1359724 сўм; 58. 2И-187-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 211455 сўм; 59. 2И-188-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 472439 сўм; 60. 2И-189-сонли ижро хатига асосан (2 дона буюм) бошланғич баҳоси 714738 сўм; 61. 2И-190-сонли ижро хатига асосан (2 дона буюм) бошланғич баҳоси 1267612 сўм; 62. 2И-191-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 835231 сўм; 63. 2И-192-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 204385 сўм; 64. 2И-193-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 785640 сўм; 65. 2И-194-сонли ижро хатига асосан (2 дона буюм) бошланғич баҳоси 658077 сўм; 66. 2И-195-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 218525 сўм; 67. 2И-196-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 884822 сўм; 68. 2И-197-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 239836 сўм; 69. 2И-198-сонли ижро хатига асосан (2 дона буюм) бошланғич баҳоси 431231 сўм; 70. 2И-200-сонли ижро хатига асосан (3 дона буюм) бошланғич баҳоси 1030565 сўм; 71. 2И-201-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 147724 сўм; 72. 2И-202-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 317808 сўм; 73. 2И-203-сонли ижро хатига асосан (4 дона буюм) бошланғич баҳоси 459612 сўм; 74. 2И-204-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 764329 сўм; 75. 2И-205-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 1423556 сўм; 76. 2И-206-сонли ижро хатига асосан (2 дона буюм) бошланғич баҳоси 310738 сўм; 77. 2И-207-сонли ижро хатига асосан (4 дона буюм) бошланғич баҳоси 2756150 сўм; 78. 2И-208-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 268217 сўм; 79. 2И-209-сонли ижро хатига асосан (2 дона буюм) бошланғич баҳоси 5534660 сўм; 80. 2И-210-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 296497 сўм; 81. 2И-211-сонли ижро хатига асосан (5 дона буюм) бошланғич баҳоси 3124699 сўм; 82. 2И-212-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 183175 сўм; 83. 2И-213-сонли ижро хатига асосан (2 дона буюм) бошланғич баҳоси 331948 сўм; 84. 2И-214-сонли ижро хатига асосан (2 дона буюм) бошланғич баҳоси 601315 сўм; 85. 2И-215-сонли ижро хатига асосан (1 дона буюм) бошланғич баҳоси 480822 сўм.

Заргарлик буюмлари билан «Kristal Kredit» МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-даҳа, 1-уй, 65-хонадон.

2015 йил 21 июл куни соат 15:00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Мустақиллик кўчаси, 6-уйда жойлашган ДТ "Халқ Банки" Зафар филиали балансидаги 2006 й. и/ч "Матиз DLX" русумли, ранги оқ, д/р 10 496 AAA, бошланғич баҳоси 20 110 989 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Аукцион савдоси ғолиби томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 3 (уч) фоизи миқдорида комиссион йиғим тўланади.

Юқоридаги мулклар 2015 йил 21 июл куни сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2015 йил 28 июл, 4 август ҳамда ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари юқорида кўрсатилган соатларда ўтказилади. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 15:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) ва заргарлик буюмлари бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Auktsion Invest» МЧЖнинг ОАТ «Турон» банк Яшнобод филиалидаги МФО: 01083, СТИР: 302083379, 20208000004932168025 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Мурожаат учун тел: 236-74-67. Гувоҳнома № 004059.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши жамоаси кенгаш аппарати ходими А.Холтаевга акаси

Абдувоҳид ХОЛТАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

2015-yil 20-iyun, shanba, № 75 (3580), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

АНЖУМАН

Миллий матбуот марказида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан "Гўзал ва сўлим дам олиш масканлари — халқимиз хизматида" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ИСТИРОҲАТ БОҒЛАРИ КЎПАЯДИ

Тадбирда ҳозирда мавжуд ва янги барпо этилиши режалаштирилаётган маданият ва истироҳат боғлари тўғрисида маълумот берилиб, уларни асраш, қайта таъмирлаш ҳамда янада ободонлаштириш борасидаги вазифалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди.

— Ҳозирда ҳар бир туманда камида биттадан маданият ва истироҳат боғи барпо этилиб, халққа юқори даражада хизмат кўрсатишга эришилган. Жорий йил охиригача 77 та янги боғ ташкил этилиши, мавжуд 148 та боғдан 105 таси капитал реконструкция қилиниши, 29 тасини капитал таъмирлаш ҳамда 14 тасини жорий таъмир қилиниши белгиланган, — дейди маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари Давлат Муллажонов.

Тадбир сўнггида журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилди.

Сулаймон ҲАЙДАРОВ,
ЎзМУ талабаси

ИСТЕЪДОД

КОМИЛЛИК САРИ

Хусниддин Йўлдошев (ўнгдаги суратда) 4 ёшидан рассомчилик санъатига қизиқиб келади. Турли мултфилм қаҳрамонлари, табиат тасвирини чиза бошлаган боланинг истеъдоди тезда ота-онаси ва устозлари назарига тушди. Ота-онасининг ташаббуси билан Хусниддин "Баркамол авлод" болалар ижодиёт марказида ташкил қилинган рассомчилик тўгарагида қобилиятини сайқаллай бошлади. Марказда ёш рассом устози Содиқжон Файзиев раҳбарлигида миллий миниатюра санъати сирларини ўзлаштирмоқда. Хусниддин шу кунгача қатор республика танлов ва фестивалларида фаол иштирок этиб, юқори ўринларни қўлга киритди.

Хусниддин Чилонзор туманидаги 270-умумтаълим мактабида таълим олади. Яқинда мактабда унинг ижод намуналаридан иборат кўргазма ташкил қилинди. Кўргазмага таклиф қилинган Хусниддиннинг устозлари ва тенгдошлари санъатнинг сеҳрли оламида сайр этгандек бўлишди. Турли эртак қаҳрамонлари, тарихий бинолар тасвири, миниатюралар йиғилганларни бефарқ қолдирмади.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

ТУҲФА

— Келажак эгалари саналмиш болажонларимизга ҳар қанча меҳр кўрсатсак кам, — дейди Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Рашид Йўлдошев. — Шу боис тармоғимизда ходимлар фарзандларини соғломлаштириш, истеъдодлиларини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Шу кунларда соҳа ходимларининг 100 нафардан зиёд болалари турли оромгоҳларда таътилни мароқли ўтказишмоқда.

МЕҲР ИФОДАСИ

Шу билан бирга, тасарруфимиздаги даволаш-профилактика муассасаларида болалар саломатлигини муҳофаза қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар мониторинг қилинмоқда. Ушбу шифо масканларида фаолият кўрсатувчи ходимлар меҳнати муҳофаза қилиниб, улар учун муносиб иш ва дам олиш шароити яратилмоқда.

Яқинда масъул ташкилотчи бошчилигида тармоқ касаба уюшмаси фаоллари "Касаба уюшмалари — болаларга" шиори остида яна бир хайрли тадбирни амалга оширишди.

Дастлаб Урганч шаҳрида жойлашган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли болалар уйига ташриф буюрилиб, бу ердаги шарт-шароит билан танишдилар.

— Кейинги йилларда болалар уйимизга эътибор янада ошди. Давлатимиз кўмагида биноларимиз замонавий таъмирланди, обзорлаштирилди, зарур жиҳозлар билан таъминланди, — дейди муассаса раҳбари Л.Дзугаева. — Муассасамиз 40 ўринга мўлжалланган бўлиб, 4 ёшгача бўлган болакайлар тарбияланади.

Навбатдаги манзил Раҳимажон Дурдиеванинг оилавий болалар уйи бўлди. Урганч тумани Юқорибоғ қишлоғида жойлашган бу хонадонда 15 нафар бола тарбияланмоқда. Уларнинг 5 нафари жорий йилда мактабни тамомлади.

— Яна икки болам касб-ҳунар коллежини битказди, бири коллежда ўқийди. Муассасамизда 18 ёшгача бўлган болалар тарбияланади. Уларни ўз фарзандим деб биламан. 18 ёшдан кейин ҳам бағримдан қўйиб юборгим келмайди, — дейди Раҳимажон опа.

Опанинг фарзанд тарбияси бўйича ўз тажрибасига асосланган фикр-мулоҳазалари тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Ҳар иккала муассасага касаба уюшмаси томонидан кўчма бассейнлар туҳфа қилингани болалар қувончига қувонч қўшди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
"Ishonch" мухбири

Эшитдингизми?

МЕТРО БЕКАТЛАРИ НОМИ ЎЗГАРДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2015 йил 16 июндаги 547-сонли қарори билан шаҳримизнинг айрим метро бекатлари номи ўзгартирилди. Шаҳар ҳокимлиги расмий сайтининг хабар беришича, ушбу қарорга биноан Ҳамза метро бекати — Новза метро бекати, Ҳабиб Абдуллаев метро бекати — Шаҳристон метро бекати деб аталадиган бўлди.

ЙИЛИГА 4,5 МИЛЛИОН ТОННА

ЎзА хабар беришича, бугунги кунда "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамияти томонидан Ангрендаги кўмир кони ва Сурхондарё вилоятидаги Шарғун ва Бойсун конларида кўмир қазиб олиш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу конлардан йилига 4,5 миллион тонна қаттиқ ёқилғи қазиб олиниб, маҳсулотнинг 85 фоизи электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналарга етказиб берилмоқда. Шунингдек, саноат корхоналари, ижтимоий ва коммунал соҳа, аҳолининг кўмирга бўлган эҳтиёжи қондирилмоқда.

2012 — 2018 йилларга мўлжалланган кўмир қазиб олиш ва сотиш ҳажмини оширишда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича дастурга мувофиқ кўмир қазиб олиш ҳажмини 2,5 марта ошириш кўзда тутилган. Маълумот сифатида айтиш мумкинки, бугун мамлакатимизда аниқланган кўмир захиралари 1,8 миллиард тоннадан зиёдни ташкил этади.

ОНЛАЙН РАДИО

Pressnews.uz сайти хабар қилишича, ZiyoNET ресурс маркази ҳамда UZINFOCOM компютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш маркази ҳамкорликда ZNFM онлайн радиосини ташкил қилди. Мазкур радио 10 июн куни ўзининг дастлабки эшиттиришларини бошлади.

uRadio.uz лойиҳаси Ўзбекистондаги Интернет тармоғида фаолият кўрсатувчи илк мустақил ФМ тўлқинли онлайн радио саналади. uRadio эшиттиришлари ZNFM ва GOVUZFM кўринишида ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Радио кенг аудитория учун мўлжалланган ва аудиокутубхона, ZiyoNET, АКТ ва маданият янгиликлари, инглиз тили сабоқлари каби бир қатор дастурларни ўз ичига олади. Радиоэфир вақти кун давомида узлуксиз фаолият кўрсатади. Соат 18:00 дан 9:00 гача аудиокитоб ва аудиоэртаклар ўқиб эшиттирилади.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими тайёрлади

НАМУНАЛИ ОРОМГОҲ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Тўгарак машғулотларига алоҳида эътибор берилаётир. Жумладан, инглиз тили бўйича Шаҳрисабз туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимидан икки нафар ўқитувчи жалб қилинган. Компютер сабоқлари, бичиш-тикиш, рассомчилик ҳамда турли спорт турларидан машғулотлар олиб борилади.

Бош етакчи Алишер Зокиров ҳамда бош тарбиячи Навбаҳор Раҳмонова бошқа педагоглар билан биргаликда маданий тадбир ва кўрик-танловлар ташкил этиб, болажонларнинг зеҳни ва салоҳиятини чархлашяпти.

— Оромгоҳда кўплаб дўстлар орттирдим, — таассуроти билан ўртоқлашди Қарши шаҳридан келган Жаҳонгир Равшанов. — Маза қилиб чўмиляпмиз, тўп тепяпмиз. Инглиз тили сабоқларига ҳам қатнашяпман.

Акмал АБДИЕВ,
"Ishonch" мухбири

ИЛҲОМ

СОҒИНЧ

Сайёҳ эдим дунёни кўрдим,
Параходда, поездда юрдим.
Етти иқлим кездим дафъатан,
Қуёшингни соғиндим Ватан!
Қайда бўлмам қадринг қўмсайман,
Фарзандингман, бағринг қўмсайман,
Онамдайин меҳринг қўмсайман,
Қуёшингни соғиндим Ватан!
Униб-ўсган табаррук тупроқ,
Аждодларим руҳлари уйғоқ,
Чорлагандай интизор, муштоқ,
Қуёшингни соғиндим Ватан!
Зар тупроғинг дурга алишмам,
Бебаҳосан барчасидан ҳам,
Туғилдим, кўз очдим қайтадан,
Ўзбекистон — онажон Ватан!

Собир САНОЕВ,
Бухоро шаҳри

КАСАБА САЙР

САЛОМ, ЖОНАЖОН ПОЙТАХТ!

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Навоий вилоятидаги масъул ташкилотчиси "Касаба сайр" шўъба корхонаси билан ҳамкорликда эсда қоларли саёҳат уюштирди.

Навбаҳор, Хатирчи, Қизилтепа, Конимех, Томди туманлари ҳамда Навоий шаҳридаги тармоқ касаба уюшма ташкилотлари фаоллари, меҳнат фахрийларидан иборат 45 нафар сайёҳ Тошкент шаҳрида бўлди. Икки кун давомида улар пойтахтдаги тарихий обидалар ҳамда истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишишди.

— Ушбу саёҳат ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайди, — дейди меҳнат фахрийси Ҳакима Ҳабибова. — Ўзбекистон Миллий академик драма театрида "Имон" спектаклини мириқиб томоша қилдик. Ҳайвонот боғи, Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлдик. Айниқса, янги кўприклар, равон йўллар ва мафтункор хиёбонлар бизни ҳайратга солди.

Бундай саёҳатлар барча тармоқ касаба уюшма ташкилотлари томонидан ташкил этилаётир.

Учқун АҲМЕДОВ,
Мансур АЛОВУДДИНОВ

Реклама ва эълонлар

"Spartak konsalting" масъулияти чекланган жамияти риэлторлик ташкилоти бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 20 февралдаги 9а-сонли буйруғи, Бухоро вилоят Қоракўл туман ҳокимининг 2014 йил 10 октябр 1074-сонли қарорига асосан якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер майдонлари мерос қилиб қолдириш шарти билан умурбод эгалик қилиш ҳуқуқлари қўйилмоқда.

1. Қоракўл тумани "Дўстлик" МФЙ, Тинчлик кўчаси ҳудудидан 1,2,3,4,5,7-сонли якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган ҳар бирининг сатҳи 400,0 кв.метрдан иборат жами 6 та ер майдонлари. Ер майдонларига бўлган ҳуқуқлар ҳар бирининг бошланғич баҳоси 292 600 сўм.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион ғолибига савдо ўтган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида ерга бўлган ҳуқуқни тасарруф қилиш бўйича олди-сотди шартномасини тузиши ҳамда олди-сотди шартномасига асосан мулк учун тўловларни амалга ошириш юклатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 12-уй манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб қабул қилинади. Аукцион савдолари 2015 йил 28 июл куни соат 11:00 да Давлат Рақобат Қўмитаси Бухоро вилояти бинои, яъни Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй 4-қаватида бўлиб ўтади.

Буюртманомаларни қабул қилиш охирги муддати 2015 йил 27 июл куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси-паспорт нусхаси; хорижий юридик шахслар-уларнинг уставини белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси: хорижий фуқаролар-чет давлат миллий ёки дипломатик паспорт; Ўзбекистон Республикасида доимий ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар-яшаш гувоҳномаси нусхаси; юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низом нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Мазкур ер участкалари 2015 йил 28 июл куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида сотилмаган тақдирда ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари 2015 йил 4-,11-,18-,25 август кунлари соат 11:00да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий савдо учун буюртманомаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин 18:00 да тўхтатилади. Буюртманомалар иш кунлари (яъни шанба ва якшанба ҳамда байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Аукцион савдоларига қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини савдо кунига қадар "Spartak konsalting" масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро шаҳар "Ипотека банк» Сардор филиали қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р:20208000804942181001, МФО: 00119, СТИР: 302131286.

Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 12-уй. Тел.: (0365) 221-51-81, E-mail: spartak-konsultinq@umail.uz. Веб-сайт: www.sk7.uz Лицензия: RR 0079.

Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b.
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Navoiy — (+998-94) 228-13-00
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-93) 352-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: J.Ergashev
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **20:50**
Topshirildi — **21:00**
1 2 3 4 5

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 615.
18921 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133